

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
ДЕПУТАТИ



ДЕПУТАТ
Законодательной палаты
Олий Мажлиса
Республики Узбекистан

100035, Тошкент ш., Бунёдкор кўчаси, 1-уй

100035, г. Ташкент, улица Бунёдкор, дом-1

№ 14103-34

« 8 » ФЕВРАЛЬ 2019 й.г.

Ўзбекистон Республикаси
Бош вазири
А.Н.Ариповга

Хурматли Абдулла Нигматович,

Муҳтарам Президентимиз топшириқлари билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатлари ҳар ойда ҳудудларга чиқишиб, сайловчилар билан учрашган ҳолда жойлардаги ҳақиқий аҳволни ўрганиб боришмоқдалар. Бунда аҳоли томонидан кўтарилган кўпгина муаммоларни маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда иложи борича жойида бартараф этишга асосий эътибор қаратилмоқда.

Шу билан биргаликда, йиллар давомида ҳал этилмасдан аҳолини қийнаб келаётган Республика даражасида ҳал этиладиган масалалар юзасидан сайловчилар томонидан доимий равишда эътирозлар ҳам билдирилмоқда.

Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон туманида сайловчилар билан учрашиш жараёнида иккита муаммоли масала юзасидан мурожаат қилинди.

Биринчи масала, Қумқўрғон тумани “Кўганли” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги “Маҳат” қишлоғига ўтиш жойида йирик “Бойсун-Оққопчиғай” сойи мавжуд бўлиб, ушбу сойдан Бойсун туманининг тоғли ҳудудлари баҳор ва ёз ойларида ёғадиган ёмғир ва жала натижасида ҳосил бўладиган катта микдордаги сел оқиб ўтади ва “Жанубий Сурхон” сув омборига бориб қуйилади. Ушбу сой устида 2009 йилгача аҳоли ва транспорт воситалари ўтадиган кўприк мавжуд бўлган, лекин ёққан ёмғир ва жалалар оқибатида кўприкни 2009 йилда сел ювиб кетган.

Қумқўрғон тумани “Кўганли” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги “Маҳат” қишлоғи аҳолиси ва “Ариқошган” маҳалласи аҳолиси асосий қисми ушбу сойдан ўтиб, маҳалла марказига ҳамда уларнинг 276 нафар фарзандлари мактаб ва коллежларга боришади. Лекин, баҳор ва ёз ойларида ёғадиган ёмғир

ва жала натижасида келадиган сел оқибатида аҳоли ва уларнинг фарзандлари мактаб ва коллежларга ўн кунлаб боролмайдилар.

Сойдаги кўприкнинг йўқлиги натижасида аҳоли жабр кўриб турли фожеалар юзага келаётганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Жумладан, 2011 йил баҳор ойида “Ариқошган” маҳалласи фуқароси марҳума ҳомиладор Ўлмасой Намозова ушбу сойдан ўтаётган вақтда сел келиши оқибатида ҳалок бўлганлиги ҳамда беш нафар фарзанди етим қолиб кетганлиги билдирилди.

Иккинчи масала, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2018 йил 20 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Сурхондарё вилоятига ташрифлари давомида юклатилган вазифалар ижроси муҳокамаси ҳамда шаҳар ва туманларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан 2018 йил 8 ноябрь куни Сурхондарё вилоят ҳокимлигида ўтказилган йиғилиш баёни қарор қисмининг 24-банди 3-қисмида Қумқўрғон туманида 2018 йил 18 май куни кўп миқдорда сел келишидан зарар кўрган ҳудудлардаги кўприкларни тиклаш учун Республика йўл жамғармасининг табиий офат оқибатларини бартараф этиш учун кўзда тутилган маблағлари ҳисобидан 3 млрд. сўм ажратилиши белгиланган бўлсада, ушбу маблағ бугунги кунгача ажратилмаган ва кўприклар қурилиши ишлари бошланмаган. Бу эса ўз навбатида яқинлашиб келаётган баҳор ва ёз ойларида бўладиган мавсумий ёғингарчиликлар сабабли келадиган сел аҳолига қийинчиликлар туғдириши ва уларнинг эътирозларига сабаб бўлиши мумкин.

Ҳурматли Абдулла Нигматович,

Сиздан, кўп сонли халқнинг вакили сифатида Сурхондарё вилояти Қумқўрғон тумани “Кўганли” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги “Маҳат” қишлоғига ўтиш жойидаги “Бойсун-Оққопчиғай” сойи устига кўприк қуриб берилишида ҳамда Қумқўрғон туманида кўприкларни тиклаш учун ажратилиши белгиланган 3 млрд. сўм маблағнинг ажратилишида мутасадди идоралар раҳбарларига тегишли кўрсатмалар беришингизни илтимос қиламиз.

Изоҳ: (Фотосуръатлар ва фуқаролар мурожаати илова қилинади)

Ҳурмат билан,


М.Турсунов